

и.ф.д. Т.С.Расулов аттарович
ТДШИ профессори
Н.У.Махмасобирова - ТДШИ
таянч докторанти

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШДАГИ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Keywords: инновациялар, инновацион иқтисодиёт, миллий инновацион тизим, инсон капитали, инновацион хавфсизлик;

Abstract. The article considers the issues of security in innovational development process of national economy. Particularly, it investigates the concept and theoretical aspects of an innovational economy, reveals its features, role in ensuring the national competitiveness, examines the issues of ensuring security in the process of innovational development and discusses the main threats, priority directions of ensuring innovational security in modern period.

Introduction. Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим компоненти бўлиб, глобал молиявий-иқтисодий беқарорлик шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳар бир мамлакат учун янада долзарб аҳамият касб этади. Иқтисодий хавфсизлик ўз ичига иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, илмий-техник ва ижтимоий омилларни олиб, иқтисодий хавфсизлик таъминланган шароитда миллий иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ташқи омилларнинг таъсиридан қатъий назар таъминланади. Иқтисодчи Л.Абалкиннинг таъбири билан айтганда иқтисодий хавфсизлик миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги ва барқарорлиги, доимий янгилалиши ҳамда мукаммаллашувини таъминловчи омилар йиғиндиси саналади¹. Иқтисодий хавфсизлик тизим сифатида ўз ичида кўплаб омилларни олади ва замонавий босқичда мамлакатлар миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, фаровонликни таъминлашда муҳим ўрин тутувчи инновациялар ҳам иқтисодий хавфсизликнинг муҳим бир қисми саналади.

Инновациялар ва инновацион иқтисодиёт тушунчалари иқтисодий назариядаги замонавий трендлардан саналиб, юқори технологияларнинг жадал ривожланиши, илмий ютуқларнинг ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб этилиши, жаҳон мамлакатлари ўртасида иқтисодий рақобатнинг кучайиши миллий хўжаликларни ривожланишнинг замонавий ва инновацион йўллари

¹Абалкин Л.И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // [Вопросы экономики](#). 1994. № 12. С. 5.

қидиришга ундамоқда. Шу сабабли ҳам, инновациялар ва инновацион иқтисодиётнинг моҳиятини ўрганиш долзарб масалага айланмоқда. Бу ўринда эса, замонавий босқичда миллий хавфсизликнинг муҳим қисми саналувчи инновацион хавфсизлик масаласи кун тартибига чиқади. Зеро, янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқариш, истеъмол, умуман ҳаёт тарзимизга кириб келиши, ушбу технологияларни яратиш, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, тарқатиш, утилизация қилиш каби йўналишларда хавфсизликни таъминлаш, таълим тизимини ривожлантириш, малакали кадрлар тизимини яратиш, илм-фанни қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги муҳим ва айти пайтда долзарб бўлган масалаларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хавфсизликни таъминлаш масалалари ва йўналишларини ўрганиш муҳим саналади.

Methods and literature review. In this article is used an abstract-analytical approach, an empirical research method, a monograph method, analysis and synthesis, and economic and statistical analysis. The theoretical and methodological aspects of the article are based on the work of foreign and local scientists. Studying the concept of innovations and innovation economy started at the beginning of 20th century and reached its peak at the first quarter of 21st century. Among foreign economists that studied and analyzed the concept of the innovation economy we can highlight the following ones: J.A. Schumpeter, M. Friedman, M. Porter, D. Nesbit, E. Toffler, D. Bell, F. Fukuyama, D. Ahlstrom, P. Romer, E. Helpman, W. Brian Arthur, R. Axtell, D.G. Victor, R. R. Nelson, R. Gibson, R. Lipsey, C. Freeman and others².

Russian economists Y.A. Korchagin, V.P. Delija, N.N. Lukyanhikov, I. Rodionova, M.I. Krotov, A.O. Nikalaychuk, A.A. Xarin and V.P. Mayboroda studied the perspectives of the CIS countries to move to innovation based economy, emphasizing to Russia³.

²Schumpeter J.A. The theory of Economic Development: an inquiry into profits, capital, credit, interest, and the business cycle. New York: “OUP”, 1961; Friedman, M. A Friedman doctrine—The Social Responsibility Of Business Is to Increase Its Profits//New York Times Magazine.—New York: September 13, 1970; Портер. М. Д. Конкуренция. Пер. с англ. М.: Вильямс, 2003; Нейсбит Дж. Мегатренды. М.: АСТ, 2003; Тоффлер Э. Третья волна. М.: АСТ, 2004; Тоффлер Э., Тоффлер Х. Революционное богатство. М.: АСТ, 2007; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. / Иноземцев В.Л. М.: Academia, 1999; Фукуяма Ф. Великий разрыв. М.: АСТ, 2004; Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. М.: АСТ, 2004; Ahlstrom D. Innovation and Growth: How Business Contributes to Society//Acad manage perspect. —New York, 2010.— №24(3): — P. 11–24; Steil B., Victor D., Nelson R. Technological innovation and economics performance.—Princeton: Princeton University Press, 2002.

³Корчагин Ю.А. Человеческий капитал и инновационная экономика России.— Воронеж: ЦИРЭ, 2012.— С. 279; Корчагин Ю.А. Современная экономика России. —Ростов-на-Дону: Феникс, 2008; Харин А.А., Майборода В.П. Инновационная экономика в России. Реалии и перспективы// Образовательный портал ФЭиФ СЗАГС Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://nit.miem.edu.ru/2003/harinmyboroda.htm>; Николайчук О.А. Возможна ли инновационная экономика в России?// Научно-исследовательский финансовый институт. Финансовый журнал.— 2011.— №1.—Р.63-72; Кротов М.И. Актуальные проблемы становления инновационной экономики в СНГ// Экономика и управление. — Санкт-Петербург, 2010. — №12(62). —С. 23-32; Rodionova I. Competitiveness of countries in the world innovation economy: Central-Eastern Europe and Russia// Quaestiones Geographicae, Poland: Poznań, 2013. —№32(2)—P.15-24; Delija V.P., Lukyanhikov N.N.

S.S. Gulomov, N.T. Tuxliev, A.V. Vaxabov, A.F. Rasulov, R.R. Xasanov, M.X. Kamilova and other economists from Uzbekistan have studied and researched the significance of innovations, the mechanisms of implementing innovations to economy, the practice of spurring innovations in foreign developed countries and the opportunities to move to an innovative economy in Uzbekistan⁴.

Инновационхавфсизлик масаласига тўхтасак, таъкидлаш жоизки, ҳозиргақадармамлакатларёкиминтақаларнингинновационхавфсизлигибўйичату рлихилтадқиқотларолибборилганбўлсада, инновационхавфсизликушунчасинингягонатаърифмавжудэмасдир. Баъзитадқиқотлардаинновационхавфсизликилмий-техникавийхавфсизликкатенглаштирилади. Аммо, буҳолатдаинновационхавфсизликинингмоҳиятиторайиб, инновационфаолиятнингмуҳимэлементлари, яънитоварвахизматларяратишжараёничетдақолибкетди⁵. Умуман олганда, инновацион хавфсизлик тушунчасининг моҳияти мақоланинг махсус қисмида атрофлича ёритилгандир.

RESULTS AND DISCUSSIONS

1. Инновация ва инновацион иқтисодиёт тушунчаларининг моҳияти. Инновацион тараққиётнинг замонавий назарияси австриялик иқтисодчи Йозеф Шумпетер томонидан яратилган бўлиб, “инновация” сўзи биринчи бор унинг ишларида учрайди. Олимнинг фикрича иқтисодий ўсишнинг марказида ривожланаётган институтлар, тадбиркорлик ва технологик

The Russian innovation economy:

the imperative for sustainable development // Вестник Российской Академии Естественных Наук. – М.: 2011. – №2. – Р. 63-68.

⁴ Гулямов С.С. Интеллектуальный капитал - основной развития инновационной экономики // Научно-концептуальные и практические аспекты формирования национальной инновационной системы: зарубежный опыт и возможности его использования: материалы республиканской научно-практической конференции. – Т.: ТашГИВ, 2016. – С. 3-7; Тўхлиев Н.Т. Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётларнинг инновацион ривожланиши муаммолари // Илмий-техник ва инновацион тараққиёт: глобал, минтақавий ва миллий иқтисодий тенденциялар: республика олий таълим муассасалари оро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТошДШИ, 2015. – Б. 26-31; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Шаркий Осиё мамлакатларида инновация сиёсатини амалга ошириш механизми ва ривожланиш тенденциялари // Миллий инновация тизими шаклланишининг илмий-концептуал ва амалий жиҳатлари: хорижий тажриба ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТошДШИ, 2016. – Б. 13-21; Камилова М.Х., Ходжаева К.А. “Модернизация экономики Узбекистана: формирование национальной инновационной системы” (available at: www.ukros.ru>2013/03>камилова_ходжаева); Камилова М.Х. Факторы и условия для инновационного развития Республики Узбекистан // Миллий инновация тизими шаклланишининг илмий-концептуал ва амалий жиҳатлари: хорижий тажриба ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТошДШИ, 2016. – С. 41-47; Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исламова О.А. Оценка инновационного потенциала и инновационной активности предприятий промышленности // Вестник УГУЭС. Наука, образование, экономика. Серия экономика. – Уфа, 2015. – №2(12). – С. 30-36.

⁵ Научно-технологическая безопасность регионов России. Методические подходы и результаты диагностирования / Татаркин А. И., Львов Д. С., Куклин А. А. и др. — Екатеринбург, 2000. — С. 11

ўзгаришлар туради ва унинг бу қарашларига асосланувчи “инновацион иқтисодиёт” назарияси айниқса сўнгги йилларда иқтисодий назариянинг асосий йўналишлардан бирига айланди⁶. Ж.Шумпетер иқтисодий тараққиётга “иқтисодий тараққиёт ҳаёт даражаси ва сифатининг ошиши, хўжаликнинг инновациялар асосида ислоҳ қилиниши, патент ва ихтиролар билан боғлиқ ўрта ва кичик ҳажмдаги янгиликлардир”⁷ деб таъриф берган бўлиб, иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шумпетернинг инновация концепцияси 5 та масалани қамраб олади⁸:

1. Янги маҳсулотни жорий қилиш— бу истёъмолчилар ҳали билмаган ёки янги сифатли маҳсулотни жорий қилиш;

2. Янги ишлаб чиқариш усулини жорий қилиш – тегишли ишлаб чиқариш соҳасида тажриба синовидан ўтмаган, илмий кашфиётга асосланмаган ишлаб чиқариш усули, шунингдек, тижорат юритишнинг янги усули ҳам бўлиши мумкин;

3. Янги бозорнинг очилиши – бозорланинг аввал мавжуд бўлгани ёки бўлмаганидан қатъий назар, мамлакатнинг муайян ишлаб чиқариш тармоғи илгари кирмаган янги бозорнинг очилиши;

4. Таклиф, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотларнинг янги манбаини эгаллаш. Бунда ушбу манбаларнинг аввал мавжуд бўлгани, бўлмагани ёки энди яратилгани аҳамиятсиздир.

5. Ҳар қандай саноат тармоғида янги ташкилот тузиш (масалан монополистик ҳолатни яратиш ёки монополистик позицияни бузиш орқали).

XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатлар инновацион соҳалар устувор бўлган пост индустриал жамиятни яратдилар. Бу иқтисодиёт инновацион иқтисодиёт деб аталди, чунки инновациялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва жабҳаларида яратилди ҳамда ишлатилди. Натижада инновацияларни оммавий ишлаб чиқариш ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий калити –юқори малакали ва ижодий инсон капитали тўпланди. Машҳур Америкалик футурологист А.Тоффлернинг таъкидлашича, инновацион иқтисодиёт биринчи бўлиб АҚШда ташкил етилган ва олим унинг бошланишини 1956 йиллардан дея қайд этади⁹.

Инновацион жараённинг ўзи бир неча босқичлардан иборат:

1. Фундаментал ва амалий илмий тажрибалар, муҳандислик лойиҳаларининг натижаси ҳисобланувчи янгилик, янги ғоя, янги билимлар;

2. Ғояни амалиётга татбиқ етиш, тижоратлаштириш;

⁶www.fastcompany.com/3005977/3-pillars-innovation-economy/Faisal_Hoque02.18.13

⁷Корчагин Ю. А. Человеческий капитал и инновационная экономика России. –Воронеж: ЦИРЭ, 2012. –66-с.

⁸ Croitoru A. A review to a book that is 100 years old//Journal of comparative research in anthropology and sociology. –Bucharest, 2012.–Volume 3, № 2, –P. 137-148 (available at:<http://compaso.eu>)

⁹ТоффлерЭ. Третьяволна. –М.:«АСТ», 2004.

3. Инновацияларнинг тарқалиши (диффузияси) – янгиликларни янги жой ва шароитда тарқатиш ва ишлатиш.

Микроиқтисодий даражадаги инновациялар деганда фирма фаолиятининг маҳсулотга, жараёнларга ёки "қиймат" га олиб келадиган жиҳатларига янги ғояларни қўллаш тушунилади. Бу "қиймат" янада кенгроқ фирма учун қўшимча қиймат, истеъмолчиларга ёки бошқа компанияларга фойда келтиради. Инновацияларни икки турга бўлиш мумкин:

Маҳсулот инновацияси: янги маҳсулотни жорий қилиш ёки мавжуд маҳсулотни сифат жиҳатдан такомиллаштириш.

Жараён инновацияси: маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш учун янги жараённи жорий қилиш¹⁰.

Макроиқтисодий даражада инновацион иқтисодиёт мамлакатнинг иқтисодиёти сифатида эътироф этилган бўлиб, унда кўпчилик инновацион фаолият (инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш) билан шуғулланади ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ярмидан кўпини ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарининг қарийб 60-80 фоизи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ярмидан кўпи инновацион фаолият билан шуғулланади¹¹.

Замонавий иқтисодчилар инновацион иқтисодиётга қуйидаги таърифларни беради¹²:

- Инновацион иқтисодиёт – жамият учун фойдали бўлган ҳар қандай инновациялар(патентлар, лицензиялар, ноу-хау, импорт қилинган ёки маҳаллий янги технологиялар ва бошқалар)ни қўллай оладиган иқтисодиёт;

- Инновация иқтисодиёти – олимларнинг ғояларини амалга оширишга ва уларни инновацион маҳсулотга айлантиришга ёрдам берувчи мамлакатдаги инновацион тизим (инфратузилма)дир;

- Инновация иқтисодиёти – бу ижобий, конструктив инсон капиталини шакллантириш варивожлантириш, ақлли капиталнинг салбий, ҳалокатли қисмининг тўпланишининг олдини олиш имкониятига эга бўлган иқтисодиёт.

Инновацион иқтисодиёт иккита асосий тамойилга асосланади: иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади юқори самарадорлик ва инновативликни оширишга қаратилган бўлиши керак ҳамда юқори даражадаги самарадорлик ва катта инновацияларни кучайтиришда нарх сигналларига асосланувчи бозорлар давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги каби самарали бўлмайди. Инновацион иқтисодиёт тарафдорларининг таъкидлашича, бугунги

¹⁰ Greenhalgh Ch., Rogers M. Innovation, intellectual property, and economic growth. –Princeton: Princeton University Press, 2010. –384 p. (Chapter 1 is available at: www.press.princeton.edu/titles/9221/html)

¹¹ Корчагин Ю. А. Человеческий капитал и инновационная экономика России. –Воронеж: ЦИРЭ, 2012. –С.70

¹² Ўшаманба.

кунда замонавий билимга асосланган иқтисоддаги иқтисодий ўсишни неоклассистлар таъкидлаганидек капитал жамғариш эмас, балки инновациялар таъминлайди¹³. Инновацион иқтисодиётдаги иқтисодий ўсиш тадбиркорлик ва инновациялар (яъни, ИТТКИ харажатлари, рухсатномалар, лицензиялар) га имкон берувчи билимлар, режимлар ва сиёсатнинг, инновацион муҳит (кластерлар, агломерациялар, метрополия ҳудудлари)ни яратувчи ҳамкор корхоналар ва инновацион тизимлар ўртасидаги технологик ўзгаришлар ва ташқи таъсирларнинг якуний маҳсулотидир^{14,15}.

Назарий жиҳатдан инновацион иқтисодит 6 асосий компонентдан иборатдир¹⁶:

1. Таълим;
2. Фан;
3. Инсон капитали;
4. Инновацион иқтисодиётнинг ҳуқуқий асоси ва моддий компонентларини қамраб олувчи инновацион тизим (технологик трансфер марказлари, бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технологик шаҳарлар, инновацион марказлар, кластерлар, ҳудудлар, венчур бизнес ва бошқалар);
5. Янгиликларни амалга оширувчи инновацион саноат;
6. Инсон капитали, ишчи кучи ва инноваторларнинг ҳаёт фаолияти учун қулай бўлган муҳит.

Инновацион иқтисодиётнинг энг муҳим элементи бўлмиш инсон капитали доимо иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга саналади. Бу ўридна эса, инсон капитали мамлакат аҳолисининг барча билимлари, иқтидор ва қобилиятлари, тажрибаси, ақли ҳамда донолигининг йиғиндиси саналади. Иқтисодий фаолият турларининг билим сиғимкорлиги тобора ошаётган бир пайтда юқори малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам, илм-фан, таълим, ИТТКИ, инновацион ишланмаларга киритилаётан инвестициялар иқтисодий ўсишнинг калитига айланмоқда¹⁷.

Инновацион иқтисодиётнинг таркибий қисмларини 4 гуруҳга ажратиш мумкин:


¹³[www.theIngenisistProject./A Definition for Innovation Economics by Dan Roble on November 26, 2009](http://www.theIngenisistProject./A%20Definition%20for%20Innovation%20Economics%20by%20Dan%20Roble%20on%20November%2026,%202009)

¹⁴Antonelli, C. The economics of innovation, new technologies, and structural change. – London: Routledge. 2003. – 67-p.

¹⁵Johnson B. (2008). Cities, systems of innovation and economic development//. Innovation: Management, Policy, and Practice. – Volume 10, № (2/3). – 146-p.

¹⁶Корчагин Ю. А. Человеческий капитал и инновационная экономика России –. Воронеж: ЦИРЭ, 2012. – С. 73

¹⁷National innovation systems. – Paris: OECD, 1997. – 11-p.



1-расм. Иновацион иқтисодиётнинг компонентлари

Манба: Корчагин Ю. А. Человеческий капитал и инновационная экономика России. – Воронеж: ЦИРЭ, 2012. – С. 73

Бундан ташқари, қуйидаги кўрсаткичлар ҳам инновацион иқтисодиётнинг хусусиятларини белгилайди¹⁸:

□ 4-6 техно-иқтисодий парадигмалар (4-техно-иқтисодий парадигмалар (ишлаб чиқариш линияси, симли телефон алоқаси, автомобилсозлик, самолётсозлик, ёқилғи кимёси); 5-техно-иқтисодий парадигмалар (микроэлектроника, информатика, биотехнология, генетик муҳандислик, янги энергия турлари, материаллар, космик тадқиқотлар, йўлдошли алоқа, оптик-фибрил техника, робототехника) ва инновацияларнинг 6 тўлқини (наноэлектроника, молекуляр ва нано фотоника, биотехнология, нано-биотехнология, когнитив фанлар, ижтимоий-гуманитар технологиялар);

□ Иқтисодий эркинликнинг юқори кўрсаткичи. Эркин иқтисодиётда ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатига мол-мулкни назорат қилиши унинг асосий ҳуқуқидир. Иқтисодий жиҳатдан эркин жамиятда, одамлар эркин ишлайдилар, ишлаб чиқарадилар, истеъмол қиладилар ва хоҳлаган услубда сармоялар билан шуғулланадилар¹⁹;

□ Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги. Айнан рақобат шахсининг, иқтисодиётнинг, жамият ва инсон капиталининг двигатели бўлиб, иқтисодий тараққиётнинг асосий омили саналади²⁰;

□ Капитални алмаштириш. Иновацион иқтисодиётда инсон капитали жисмоний капитални алмаштиради ва бу миллий бойликни оширади²¹;

¹⁸ Корчагин Ю. А. Современная экономика России. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – С. 403

¹⁹ “Frequently Asked Questions”. Index of Economic Freedom. 2009-01-25

²⁰ Портер. М. Д. Конкуренция. Пер. с англ. М.: Вильямс, 2003.

²¹ Несторов Л., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // Вопросы Экономики, РАН–М.: 2003., – №2. (available at: www.historyofeconomics.narod.ru/16.09.02-23.06.03)

□ Янги бозорни ишга тушириш. Янги бозорларда иқтисодийнинг эски тузилмалари ғоялар, ривожланиш, интеллектуал мулк, инновацион маҳсулотлар билан алмаштирилади ва янги сифатга ўтади;

□ Бозорнинг хилма-хиллиги тамойили(инновацион маҳсулотлар бозори, хизматлар, таклифлар, талаб, интеллектуал мулк, интеллектуал меҳнат, билим ва ғоялар, инновацион илмий ташкилотлар, бизнес фаришталар ва бошқалар);

□ Инновацияларга бўлган талаб ва инновацияларнинг кўплиги.

Шунингдек, венчур бизнесга, илмий-техникавий ва технологик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор бериш муҳимдир. Венчур бизнес илмий кашфиётлар, ихтиролар, йирик ва ўрта технологик инновацияларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик нуктаи назаридан юқори фойда олишни мақсад қилади. Ривожланиш нуктаи назаридан инновациялар ва жаҳоннинг юқори технология бозоридаги етакчилик қилувчи янги кучли компанияларни яратишга қаратилгандир.

Глобал инновацион иқтисодий асосан ғоялар томонидан бошқариладива саноат иқтисодиётидан катта фарқ қилади.

	Саноат иқтисодиёти	Инновацион иқтисодиёт
Ҳом-ашё	Табиий ресурслар, ишчи кучи, капитал	Ғоялар
Мижозлар томон йўналиш	Оммавий ишлаб чиқариш	Ахборот технологиялари ва маҳсулот дизайнига асосланган оммавий кастомизация
Ташкилий жиҳат	Катта корпорациялар, масштаб иқтисодиёти	Тадбиркорлар, кичик ўлчамлилик, еркин агентликлар, тармоқлар
Омад олиб келувчи омил	Меҳнат; Сифат; Арзон нарх; Барқарорлик; Назорат	Талант тезлиги, инновация Мослашувчанлик; кастомизация

2-расм. Саноат иқтисодиёти ва инновацион иқтисодиёт ўртасидаги фарқ

Source: Theinnovationdriveneconomicdevelopmentmodel. A practical guide for the regional innovation broker. Collaborative Economics.–California, 2008.–5-p. (available at: www.InnovateCalifornia.com)

Инновацион иқтисодиётни ишлаб чиқиш ва янги бозорларни шакллантириш жараёнини рағбатлантириш учун инновацион жараёнларни қўллаб-қувватловчи махсус инновацион инфратузилмани ва институтларни

яратиш зарур. Бу ерда мамлакатларнинг миллий инновацион тизимлари ҳал қилувчи омилга айланади. Миллий инновацион тизим одамлар, корхоналар ва муассасалар ўртасида технология ва ахборот оқими аниқланиши ва миллий даражада инновацион жараёни таъминлайди. Иқтисодчилар миллий инновацион тизим (МИТ)га турлича таърифлар берадилар:

– МИТ – давлат ва хусусий секторда фаолият юритувчи ва янги технологияларни импорт қилиш, ўзгартириш ва тарқатиш соҳасидаги ўзаро алоқадор муассасалар тармоғи²²;

– МИТ– янги, иқтисодий ва фойдали билимларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва улардан фойдаланишда ўзаро таъсир қилувчи, бир миллат давлати чегараларида жойлашган ёки илдиз отган элементлар ва муносабатлардир²³;

– МИТ– миллий компанияларнинг инновацион фаолиятини белгилаб берувчи институтлар тўпламидир²⁴;

– МИТ–мамлакатда технологик таълимнинг даражаси ва йўналишини белгилайдиган миллий институтлар, уларни рағбатлантирувчи тузилмалар ва ваколатлар йиғиндиси²⁵;

– МИТ–янги технологияларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш учун биргаликда ва индивидуал равишда ўз ҳиссасини қўшадиган турли хил муассаса ва ташкилотлар бўлиб, улар ҳукуматнинг инновацион жараёнга таъсир ўтказиш сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади. Шундай қилиб, МИТ янги технологияларни аниқлайдиган билим, кўникма ва ишларни яратиш, сақлаш ва узатиш учун ўзаро боғланган муассасалар тизими²⁶.

Миллий инновацион тизимнинг концепцияси ўтган асрнинг 90йилларидан ривожлантирилган бўлиб, иқтисодиётнинг инновацион самарадорлигини таҳлил қилиш учун ишлатилади. Тадқиқотчилар миллий инновацион тизимнинг 5 та блокин таъкидладилар:


²² Freeman C. The National System of Innovation in Historical Perspective//Cambridge Journal of Economics.– Cambridge, 1995. – No. 19.P. 5-24

²³ Lundvall, B.A. National Innovation Systems: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning. –London: Pinter, 1992. –45- p.

²⁴ Nelson, R. National innovation systems. A comparative analysis. –New York: Oxford University Press, 1993. – P.102

²⁵ Patel, P and Pavitt L. The Nature and Economic Importance of National Innovation Systems//STI Review– OECD: Paris, 1994.–№. 14

²⁶ Metcalfe, S.The Economic Foundations of Technology Policy: Equilibrium and Evolutionary Perspectives. Handbook of the economics of innovation and technological change. – Blackwell Oxford, 1995



3-расм. Миллий инновацион тизим блоклари

Source: Камилова М.Х., Ходжаева К.А. Модернизация экономики Узбекистана: формирование национальной инновационной системы. (available at: www.ukros.ru>2013/03>камилова_ходжаева)

Бу блоклар муайян меъёрий-ҳуқуқий база доирасида яқиндан фаолият олиб боради ва миллий инновацион тизимнинг замонавий тузилмасини яратади.

Инновацион жараёнда университетлар; ИТТКИ институтлари; кансалтинг марказлари; юридик институтлар; маркетинг агентликлари; етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва бошқалар асосан ахборот оқимлари орқали фаолият юритадилар. Тадқиқотчилар инновацион жараён, миллий хўжаликнинг инновацион фаолиятида билимнинг бош омил эканини таъкидлаб, кичик ҳажмда бўлсада, аммо очиқ билим катта ҳажмдаги, аммо ёпиқ билимдан кўра кўпроқ самара олиб келишини айтадилар. Бу эса инновацион тизим фаолитини тушуниш, тарқатиш ва диффузия қилига ёрдам беради²⁷.

Бугунги кунда миллий инновацион тизимни шакллантиришнинг универсал амалиёти йўқ. Бироқ экспертлар Евро Атлантик, Шарқий Осиё моделини ва ривожланаётган мамлакатлар модели келтириб ўтадилар. Барча моделларнинг тараққиёти қуйидаги шарт-шароитларга асосланади²⁸:

- Иқтисодий ривожланишнинг етарлича даражаси – инновацион тизимни молиялаштириш учун тегишли маблағлар ажрата оладиган

²⁷ Cowan R. and Gert van de Paal. Innovation policy in a knowledge-based economy. The Commission of the European Communities, Luxembourg. – ECSC-EC-EAEC: Brussels-Luxembourg, 2000. – 21-p.

²⁸ Камилова М.Х., Ходжаева К.А. Модернизация экономики Узбекистана: формирование национальной инновационной системы (www.ukros.ru>2013/03>камилова_ходжаева)

ривожланиш даражаси бўлиб, ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) билан белгиланади;

- миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш учун етарли бўлган технологик ва инновацион салоҳият;
- Инновацион ривожланишга йўналтирилган институтларнинг мавжудлиги;
- уй хўжаликларининг инновацияларга бўлган талаблари.

Инновацион тизимда инновацион фаолиятни молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Инновацион фаолиятни молиялаштиришда ғоялар ва билимларни якуний маҳсулотга айлантириш ва уларни амалиётга жорий қилиш учун зарур молиявий ресурсларни жалб қилишни тушунамиз. Иқтисодчилар инновацион фаолиятни молиялаштиришни манбасига кўра икки турни ажратадилар: давлат томонидан молиялаштириш ва хусусий молиялаштириш.

Инновацион лойиҳани амалга ошириш учун уни ҳаётийлик циклининг ҳар бир босқичида молиялаштириш зарур. Шундай қилиб, инновацион харажатларнинг тўрт тури мавжуд ²⁹:

- ИТТКИ (фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, тажриба-конструкторлик ишлари ва бозорга киришга тайёр маҳсулотни яратиш);
- ишлаб чиқариш (тайёр маҳсулотнинг биринчи қисмини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ассортиментни кенгайтириш, асосий воситаларни модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш жараёнларини киритиш);
- Маркетинг (инновацияларни тарқатиш ва уни амалиётга татбиқ етиш);
- тугатиш харажатлари.

Бу соҳадаги алоқаларни бошқарадиган норматив-ҳуқуқий базани яратиш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, миллий инновацион тизим сиёсати хусусий секторда инновациялар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш, рақамли иқтисодни, давлат хизматларини такомиллаштириш, агентликларни янада самаралироқ қилиш, рақамли инфратузилмани такомиллаштириш ва маълумотларни тўғри ўлчаш имконини берувчи инновацион иқтисодиётни ҳамда мустаҳкам, билимли ва инновацион кадрларни яратиш учун замин ҳозирлаши лозим ³⁰.

Инновацион иқтисодиётни рағбатлантириш учун айрим хорижлик иқтисодчилар қуйидаги таклифларни берадилар ³¹:

²⁹ Купричев М. А. Анализ системы финансирования инновационной деятельности в России// Политематический журнал научных публикаций “Дискуссия”. –Екатеринбург, 2013. №3 (33)(www.journal-discussion.ru>publication)

³⁰ West D., Friedman A., and Valdivia W. Building an innovation-based economy. Governance Studies at Brookings, – November 2012.– 1-p.

³¹ West D., Friedman A., and Valdivia W. Building an innovation-based economy. Governance Studies at Brookings, – November 2012.– 1-p..

•ишчи кучи самарадорлигини ўлчаш учун яхшироқ ўлчовлардан фойдаланиш. Ишчининг ёки барча ишчиларнинг иш соатининг ЯИМга нисбатан ҳисобланувчи эскича ёндошувлар рақамли технологияларнинг трансформационал табиатини назардан четда қолдиради;

•Кичик бизнес, старт-апларни бошлаш учун кредитни кенгайтириш орқали тадбиркорликни рағбатлантириш, мактаб ўқув дастурларига тадбиркорлик кўникмаларини қўшиш;

•ҳукуматнинг инновативлиги ва ҳамкорлигини кучайтириш, хизмат кўрсатишнинг янги ёндашувлари ривожлантириш, шаффофликни ошириш;

•кенг тармоқли, ахборот узатиш марказлари ва мобил уяли алоқаларига инвестиция киритиш орқали инфратузилмани мустаҳкамлаш ва симсиз дастурлардан фойдаланишни яхшилаш;

•муҳим рақамли активларни ҳимоя қилиш, муҳим инфратузилмаларга таҳдидларни мониторинг қилиш жараёнларини ишлаб чиқиш;

•рақамли дарсликлар орқали билимларни етказиб беришни такомиллаштириш, ўқув материаллари учун ижодий уюшмаларнинг лицензияларидан кенг фойдаланиш;

•давлат ва хусусий сармояларни иш жойлари ва иқтисодий фаолиятга айлантириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва фаровонликни яхшилаш учун университетлар ва маҳаллий лабораториялардан билимларни тижоратлаштиришда кенг фойдаланиш;


•глобал инновациялар ва иқтисодий эркинликни рағбатлантириш учун трансчегаравий қонунларни уйғунлаштириш.

Инновациялар мамлакат ва унинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг самарали йўлларида саналади. А.Тоффлер, Ф.Фукуяма, Д.Белл каби иқтисодчиларнинг таъкидлашича, айнан инновациялар замонавий дунёда ривожланган мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга нисбатан иқтисодий устунлигини белгилаб бермоқда. Шунингдек, Массачусетс Технологиялар Институти профессори Д.Ачемоглунинг фикрича “инновация узок муддатли ўсиш учун энг муҳим нарсалигига иқтисодчиларнинг 95 фоизи қўшилади”. Мисол учун, инновацияларнинг аҳамияти ва муҳим роли туфайли, 2008-йилда Катта 20 талик (G-20)раҳбарлари томонидан “динамизм, инновация ва тадбиркорлик иқтисодий ўсиш учун муҳимдир” деб номланувчи қўшма баёнотни қабул қилинди³².

Ҳар йили глобал инновациялар индекси, глобал ижодкорлик индекси, глобал рақобатбардошлик индекси, билимлар иқтисодиёти индекси, тармоққа

³²www.innovationexcellence.com/blog/2015/02/03/triumph-of-the-innovation-economy-part-7/ February3, 2015 by Rowan Gibson

тайёрлик индекси, Блумберг инновациялар индекси, Жаҳон иқтисодий форумининг ҳисоботлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инновацион салоҳиятига кўра дунё мамлакатларининг рейтинглари эълон қилиб борилади. Глобал инновациялар индекси (ГИИ) ҳар йили чоп этиладиган нашр бўлиб, унда мамлакатларнинг (иқтисодиётларнинг) инновациялар учун қулай шароитлар яратиши ва инновацион натижалари бўйича йиғма кўрсаткичи тадқим этилади. ГИИ 140 дан ортиқ мамлакатларни 84 кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда баҳолайди. Иқтисодий ўсиш ва фаровонлик омили сифатида инновацияларнинг муҳим роли эътироф этилиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қўлланиладиган инновацияларга кенг горизонтдан қараш зарурлигини таъкидлаган ҳолда, ГИИ анъанавий инновацион тадқиқотлар даражасига кирмайдиган кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO), Корнел университети ва Европа бизнес бошқаруви институти (INSEAD) томонидан биргаликда нашр этиладиган Глобал инновациялар индексини ҳисоблаш методологияси қуйидагича:



4-расм. ГИИнинг концептуал асоси

Манба: www.globalinnovationindex.org

Миллий иқтисодиётларнинг инновацион потенциалини баҳолашнинг яна бир услуби бу Блумберг Инновациялар Индекси. Ушбу индекс, 200 дан ортиқ давлатларни инновацион қобилиятига кўра баҳолайди ва топ 50 таликни аниқлайди. Бунда олтига тенг вазнли кўрсаткичлардан фойдаланилади ва ҳар

бир кўрсаткич бўйича мамлакатларга нолдан 100 гача бўлган умумий баллар тақдим этилади. Унинг ўлчовлари қуйидагилардир³³:

1. Тадқиқот ва Лойиҳалаш: Илмий-тадқиқот ишларига сарфланадиган харажатлар ЯИМга нисбатан фоизда;
2. Ишлаб чиқариш: Аҳоли жон бошига қўшилган қиймат ишлаб чиқариш;
3. Юқори технологияли компаниялар: маҳаллий ишлаб чиқарувчи юқори технологик давлат компанияларининг сони;
4. Ўрта мактабдан кейинги таълим: ўрта махсус таълим муассасаларига қабул қилинган ўрта мактаб битирувчиларининг сони когорта фоизида; учинчи даражали ишчи кучининг улуши; ҳар йили фан ва муҳандислик битирувчиларининг ишчи кучи улуши ва учинчи битирувчиларнинг умумий сонига нисбати;
5. Илмий ходимлар: мутахассислар, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган PhD тадқиқотчиларининг 1 миллион аҳолига нисбатан улуши;
6. Патентлар: 1 миллион аҳолига ва сарфланган 1 миллион долларлик ИТТКИ харажатида тўғри келадиган фойдали патент талабномалари нисбати, берилган патентларнинг дунё миқёсидаги фоизга нисбати.

Инновацион иқтисодиётни қуриш қийин ва кўп қирралидир. У сифатли олий таълимни, ишончли ахборот инфратузилмасини, кучли тадқиқотлар ва ишланмаларни, доимий инновацияларни ва барчасини қўллаб-қувватловчи иқтисодий институтларни талаб қилади. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғи билим сиғимкорлиги юқори саналувчи мамлакатлари ушбу хусусиятларга эга ва ўнлаб йиллар олдин ўзларининг таркибий ўзгаришларини муваффақиятли амалга оширдилар³⁴. Дунёнинг энг инновацион мамлакатлари, инсон капиталига инвестициялар, кучли инновацион инфратузилмалар билан биргаликда юқори даражадаги ижодкорликка ҳисса қўшадиган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган инновацион экотизимни яратган мамлакатлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Глобал Инновациялар Индекси 2019 га кўра Швейцария, Швеция, АҚШ, Голландия ва Буюк Британия дунёнинг энг инновацион жиҳатдан ривожланган мамлакатлари саналади³⁵. Блумберг Инновациялар Индексининг 2019йилги рейтингига кўра эса Жанубий Корея, Германия, Финландия, Швеция, Исроил жаҳонда етакчилик қилади³⁶.

³³ www.bloomberg.com.graphics/2015-innovative-countries

³⁴ Innovative Asia: advancing the knowledge-based economy: the next policy agenda. – Mandaluyong City, Philippines: Asian Development Bank, 2013.–x-p.

³⁵ https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/2019/

³⁶ <https://www.bloomberg.com/news/articles/2019-01-22/germany-nearly-catches-korea-as-innovation-champ-u-s-rebounds>

2. Инновацион хавфсизликни таъминлаш йўналишлари

Бугунги кунда инновациялар ва умуман самарали инновацион фаолият иқтисодий ўсишнинг муҳим факторларидан саналади. Рақобатбардош товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган инновацион соҳалар ҳамда янги технологиялар миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация, модернизация қилиш орқали унинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини, шу билан бир қаторда хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Бу ўринда эса самарали инновацион сиёсат олиб бориш, миллий инновацион тизимни шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш, инновацион фаолият, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай инновацион стратегиянинг бош мақсади миллий иқтисодиётни техник ва технологик мустақиллигини таъминлаш бўлиб, инновацион фаолият хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг асоси сифатида, иқтисодий фаровонлик, мувозанатни таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, хом-ашёга асосланган иқтисодиётдан чекиниш, глобал бозорларга рақобатбардош товар ва хизматларни таклиф қилишда асос ролини бажаради³⁷.

Юқорида таъкидлангандек, ҳозирга қадар мамлакатлар ёки минтақаларнинг инновацион хавфсизлиги масалалари бўйича турли хил тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, инновацион хавфсизлик тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмасдир. Баъзи тадқиқотларда инновацион хавфсизлик илмий-техникавий хавфсизликка тенглаштирилади. Аммо, бу ҳолатда инновацион хавфсизликнинг моҳияти торайиб, инновацион фаолиятнинг муҳим элементлари, яъни товар ва хизматлар яратиш жараёни четда қолиб кетади³⁸. Бошқа тадқиқотларда эса инновацион хавфсизлик моҳиятига кенг назар ташланиб, инновацион хавфсизлик деганда мамлакатнинг sanoat, илмий-техника ва инновацион соҳалардаги хавфсизлиги тушунилади³⁹. Баъзи иқтисодчилар фикрича, инновацион хавфсизлик миллий хавфсизликнинг алоҳида мустақил компоненти сифатида илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш ва иқтисодий хавфсизлик билан ўзаро боғлиқ бўлса⁴⁰, бир қатор бошқа тадқиқотчилар инновацион жараёнлар хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий хавфсизликнинг бир қисми саналувчи инвестицион хавфсизлик масаласини ҳам алоҳида таъкидлайдилар⁴¹.

³⁷П.В. Самойлов, И.М. Семенова, И.Г. Матвеев. Влияние инновационной деятельности на экономическую безопасность страны // Инвестиции и инновации. Вестник Самарского государственного экономического университета. 2014. №4 (11). – С. 119-122.

³⁸ Научно-технологическая безопасность регионов России. Методические подходы и результаты диагностирования / Татаркин А. И., Львов Д. С., Куклин А. А. и др. — Екатеринбург, 2000. — С. 11

³⁹ Экономическая и национальная безопасность / Под ред. Е. А. Олейникова. — М.: Экзамен, 2004. — С. 397

⁴⁰ А. Ф. Суховей. Проблемы обеспечения инновационной безопасности в Российской Федерации // Экономика региона № 4 (2014). – С. 141- 152

⁴¹ Сизов Ю.И. Экономическая безопасность региона: регионализация, устойчивость бизнеса, стратегия /Ю. И. Сизов. М.: Наука, 2004. 310 с.

Шунингдек, бугунги кунда инновацион хавфсизлик миллий хавфсизликнинг мустақил элементими ёки уни иқтисодий хавфсизлик доирасида кўриш керакми деган мунозаралар давом этиб келмоқда. Одатда, инновацион фаолиятнинг ўрни иқтисодий хавфсизлик тизими доирасида кўрилса⁴², баъзи иқтисодчилар инновацион хавфсизликни алоҳида элемент сифатида тадқиқ этадилар ҳамда инновацион хавфсизлик деганда “иқтисодиётнинг шундай ҳимояланганлик ҳолати, унда ИТТКИ натижалари ва ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар миллий ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлади, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланади ва глобал бозорлардаги салбий омилларга қарши тура олиш имконияти оширилади” деб таъкидлайдилар⁴³.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, инновацион хавфсизлик деганда мамлакатнинг барқарор, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан динамик ривожланиши, иқтисодий ўсиши ҳамда технологик жиҳатдан мустақиллигини таъминловчи миллий инновационизм ва уни доимий такомиллаштириб бориш тушунилади.


Инновацион хавфсизликнинг моҳиятини англашда инновациялар ҳамда инновацион фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиқиш лозимдир. Ҳар қандай жамият тараққиёти ва ривожига улкан таъсир қилувчи омиллардан бири бу инновациялардир. Инновациялар инсон капиталининг ижодкорлигига боғлиқ бўлиб, ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий фойда олиб келади ва бугунги кунда инновацион ривожланиш қайта ишлаш жараёнининг асосий компонентига айланиб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда, рақобат шароитида устунликларга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Илғор инновациялар ҳамда самарали инновацион фаолиятнинг ривожини натижасидан инновацион иқтисодиёт вужудга келиб, инновацияларга асосланувчи иқтисодиёт деганда жамият учун фойдали бўлган ҳар қандай инновациядан фойдалана оладиган иқтисодий тизим тушунилади. Инновацион иқтисодиёт жамият, бизнес, фан ва технология ҳамкорлиги тизими саналиб, инновацион тизим асосида шаклланади. Инновацион тизимнинг ўзи эса илмий билимларни рақобатбардош товар ва хизматларга айлантирувчи, ва ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва ташкилотлардан иборат саналади⁴⁴. Қуйидаги расмда инновацион омилнинг иқтисодий хавфсизликдаги ўрни кўрсатилган бўлиб, ундан кўришимиз мумкинки, инновацион фаолият

⁴² Скрыдлов, И. А. Инновационная составляющая экономической безопасности России / И. А. Скрыдлов. – СПб., 2012. 157 с.

⁴³ Бурмистров Т.В. Проблемы инновационной безопасности российской экономики [Электронный ресурс] // За ответственную власть. Режим доступа: http://www.igpr.ru/library/burmistrova_tv_problemy_innovacionnoj_bezopasnosti_rossijskoj_jekonomiki. Дата доступа: 30.09.2015.

⁴⁴ Суховей А.Ф., Голова И.М. Инновационные возможности саморазвития региона. — Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2010. — С. 85.

рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш, барқарорлик ҳамда иқтисодий мустақиллик билан боғлиқ саналади. Инновацион хавфсизлик эса иқтисодий хавфсизликнинг элементи сифатида иқтисодий суверенитетни таъминлашда муҳим ўрин тутди.



5-расм. Иқтисодий хавфсизлик тизимида инновацион омилнинг ўрни⁴⁵

Инновацион хавфсизлик тушунчаси бир қанча категориялар билан таснифланиб, уларга “инновационлик”, “инновацион иқтисодиёт”, “инновацион жараён”, “барқарорлик”, “рақобатбардошлик”, “иқтисодий мустақиллик”, самарадорлик”, “глобализация” кабиларни киритиш мумкиндир. Инновацион хавфсизликиерархик жиҳатдан миллий, минтақавий, ҳудудий ҳамда ташкилот даражасидаги турларга бўлинади. Инновацион хавфсизликнинг муҳим компонентларига эса қуйидагиларни киритиш мумкин:

- илмий-техникавий (илм-фаннинг инновациялар ва янги технологияларни ярата олиш имконияти);
- таълимий (таълим тизимининг инновацион иқтисодиёт ва илм-фан учун керакли кадрлар тайёрлай олиш имконияти). Инновацион фаолият ривож, ишлаб чиқаришни интеллектуаллаштириш ва ахборотлаштиришда инсон омили муҳим ўрин тутди;
- молиявий (инновацион ривожланишни молиялаштириш учун молия-бюджет тизимининг барқарорлиги);

⁴⁵П.В. Самойлов, И.М. Семенова, И.Г. МатвеевичИ.Г.Влияние инновационной деятельности на экономическую безопасность страны // Инвестиции и инновации. Вестник Самарского государственного экономического университета. 2014. №4 (11). – С. 119-122.

- ишлаб чиқариш (инновациялар яратиш учун керакли ишлаб чиқариш базасининг мавжудлиги);
- ижтимоий-демографик (инновацион иқтисодиёт шароитида ишлай олувчи мутахассислар меҳнат бозорининг ривожланганлиги, замонавий таълим олиш учун имкониятлар;
- ташқи иқтисодий (рақобатбардош, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, глобал инновацион тизим иштирокчисига айланиш).

Инновацион хавфсизлик тузилмасига 9 та ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи қуйи тизимлар кириб, уларнинг вазифаси ҳар бир босқичда инновацион фаолият хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади: - таълим ва кадрлар тайёрлаш; - илм-фан; - инновацион инфратузилма; - молиявий инфратузилма; - ахборот инфратузилмаси, - интеллектуал мулк ҳимояси; - ишлаб чиқариш тизими; - консалтинг тизими; реализация қилиш ва тижорийлаштириш⁴⁶.

Инновацион хавфсизлик масаласига турли мамлакатларда турличада ёндошилади. Мисол учун, Европа Иттифоқининг барча дастурлари, кўпгина Осиё мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш миллий ёки иқтисодий хавфсизлик доирасида амалга оширилса, АҚШда технологик хавфсизлик, МДХ мамлакатларида эса иқтисодий ва илмий-техникавий хавфсизлик доирасида таъминланади⁴⁷.

Инновацион хавфсизликни таъминлашда унга хавф солувчи таҳдидларни бартараф этиш лозимдир. Инновацион хавфсизликка таҳдидлар дегандамиллий инновация соҳасида мамлакатнинг миллий манфаатларини ва вазифаларини амалга оширишда қийинчилик туғдирувчи шарт-шароит ва омилларнинг йиғиндиси тушунилади. Албатта, инновацион хавфсизликка хавф солувчи таҳдидлар мамлакатнинг инновацион ривожланиши даражасидан келиб чиқади. Инновацион хавфсизликка таҳдидларни иқтисодий фаолият турларига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин бўлиб, уларга ишлаб чиқаришнинг асосий фондларининг маънан эскириши; мамлакатда амалга оширилаётган инновацион сиёсатнинг тизимли эмаслиги; инновацион сиёсатнинг мамлакат ёки алоҳида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ эҳтиёжлардан йироқлиги; илм-фаннинг бир ерда қотиб қолиши; илмий ходимлар сонининг камайиб бориши; фундаментал тадқиқотларнинг ривожланмаганлиги; “ақл оқиб ўтиши”; илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги бўшлиқнинг ортиши кабиларни киритиш мумкиндир⁴⁸. Шунингдек, инновацион тараққиётга ҳамда

⁴⁶ В. А. Сакович, Г. М. Бровка. Инновационная безопасность: основные понятия, сущность // Наука и техника. Т. 15, № 2 (2016). – С. 151

⁴⁷ Ўша манба.. – С. 147

⁴⁸ А. Ф. Сухолей. ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ // ЭКОНОМИКА РЕГИОНА № 4 (2014). – С. 141- 152

иқтисодий хавфсизликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи муаммоларга инновацион фаолият, интеллектуал мулк ҳуқуқидан самарали фойдаланиш борасидаги қонунчилик базасининг заифлиги; инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун маблағларнинг етарли эмаслиги; инновацияларни яратувчи, инновацион жараёнларни бошқарувчи юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги; миллий инновацион экотизимнинг сустривожланганлиги ва бошқаларни киритиш мумки⁴⁹.

Инновацион хавфсизликни таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар тизими ҳам мамлакатнинг инновацион тараққиёти даражасига боғлиқ бўлади ва инновацион хавфсизликни ошириш борасидаги умумий чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкиндир:

- мамлакат инновацион хавфсизлигига бўлаётган ички ва ташқи хавфларни вақтида башорат қилиш ва аниқлаш, инновацион хавфсизлик меъзонларини, инновацион хавфсизлик даражасини мониторинг қилиш методикасини ишлаб чиқиш;

- инновацион хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш;

- иқтисодиётни модернизация қилиш, илмий-техник потенциални ошириш учун илм-фанни ривожлантириш, ИТТКИ харажатларини ошириш; илмий ходимларни, тадқиқотчиларни рағбатлантириш;

- жаҳон юқори технологик бозорларида ўз позициясини мустаҳкамлашга интилиш;

- инновацион хавфсизлик соҳасида тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш ва бошқалар.

Инновацион хавфсизликни таъминлашда икки масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим саналади. Биринчидан, инновацион фаолият “ижодкорлик”, “креативлик”, “янги ғоялар ва уларни реализация қилишнинг кристаллашуви” каби тушунчалар билан бўлиқ бўлиб, улар миллий иқтисодиётнинг глобал ўзгаришларга мослашувчанлигида муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, инновацион хавфсизликнинг ошиши иқтисодий хавфсизлик сингари иқтисодий ривожланишнинг статистик ёндошувлари орқали емас, балки динамик инновацион-иқтисодий юксалиш орқали аниқланади. Иккинчидан, инновацион хавфсизлик иқтисодиётни инновацион бошқаришнинг бир қисми саналади, ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг дастлабки босқичида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилиши мумкиндир.

⁴⁹ А. Н. Николаева, А. Е. Яковлев. ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ КАК ОСНОВА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РОССИЙСКОЙ ЭКОНОМИКИ // Вестник ЧГПУ им. И. Я. Яковлева. 2013. № 4 (80). Ч. 1. – С. 108-112.

CONCLUSIONS

Хулоса қилиб айтиш мумкин, жаҳон иқтисодиётида замонавий тенденциялардан ҳисобланувчи инновацион иқтисодиёт ривожланишнинг янги босқичи саналади. Инновация асосланувчи иқтисодиёт инсон капитали, фан, таълим, ишлаб чиқариш, институтларнинг самарадорлиги, инфратузилма, бозор бизнеснинг ривожланганлик даражаси, билим ва технологик натижаларнинг йиғиндиси бўлиб, унда билим, ижодкорлик, олимлар ва ихтирочилар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий ресурси саналади. Миллий инновацион тизим мамлакатнинг инновативлигини ва унинг глобал майдонда рақобатбардошлигини белгилаб, инновацион сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлаб беради. Шундай экан, инновацион иқтисодиётнинг назарий асосларини ҳаётга тадбиқ этган, жозибадор инновацион муҳитини яратган мамлакатларгина глобал рақобатда устунликларга эга бўлаверади. Натижада, ҳукумат ва хусусий секторнинг мустаҳкам ҳамкорлиги яратилиб, узоқ муддатли иқтисодий ўсишга асос солинади.

Инновацион хавфсизлик инновацион иқтисодиёт шароитидаги хавфсизлик бўлиб, умиллий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. Инновацион хавфсизлик мамлакатдаги инновацион тармоқларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланиб, бугунги кунда инновацион хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳар бир мамлакат учун зарур саналади. Зеро, замонавий босқичда, айнан инновацион ривожланганлик даражаси мамлакатларнинг миллий рақобатбардошлигини, иқтисодий ўсиш, барқарорликни белгиловчи муҳим омилга айлангандир. Инновацион хавфсизлик тизим сифатида ўз ичида кўплаб компонентларни олади ва инновацион хавфсизликка таҳдидлар ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган чоратadbирларнинг барчаси мамлакатлар кесимида, миллий инновацион тизим ривожидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

REFERENCES

Барча сноскадаги адабиётлар